



САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ЎТКИР ЮҚУМЛИ ИЧАК ИНФЕКЦИЯЛАРИ ҲОЛАТИНИ ЭПИДЕМИОЛОГИК БАХОЛАШ

Саидолим Муродқосимов¹,
Юсупов Машраб².

^{1,2}Самарқанд давлат тиббиёт университети.

E-mail. mr.mash@mail.ru ORCID ID:

<https://orcid.org/0009-0009-2742-7569>

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7848666>

ARTICLE INFO

Received: 12th April 2023

Accepted: 19th April 2023

Online: 20th April 2023

KEY WORDS

Ўткир ичак касаликлари,
диарея, бактериология,
салмонеллез, колит,
энтероколит.

ABSTRACT

Аҳоли сонининг ошиб бориши туфайли биологик ва табиий объектларнинг юқумли инфекциялар билан ифлосланиши ҳатто иқтисодий ривожланган мамлакатлар учун ҳам муаммо бўлиб келмақда. Шу сабабли ўткир ичак инфекциясини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, айниқса унинг долзарблиги йилдан-йилга ошиб бормоқда. Юқумли касалликлар орасида ЎИИ лари тарқалиши ва учраши бўйича респиратор инфекциялардан кейинги ўринларни эгаллайди. Дунё бўйича болаларда учрайдиган барча юқумли касалликларнинг 70% ни ўткир ичак инфекциялари ташкил қилади.

Мавзунинг долзарблиги. Аҳоли сонининг ошиб бориши туфайли биологик ва табиий объектларнинг юқумли инфекциялар билан ифлосланиши ҳатто иқтисодий ривожланган мамлакатлар учун ҳам муаммо бўлиб келмақда [1,2]. Шу сабабли ўткир ичак инфекциясини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб [3], айниқса унинг долзарблиги йилдан-йилга ошиб бормоқда [4]. Юқумли касалликлар орасида ЎИИ лари тарқалиши ва учраши бўйича респиратор инфекциялардан кейинги ўринларни эгаллайди [5]. Дунё бўйича болаларда учрайдиган барча юқумли касалликларнинг 70% ни ўткир ичак инфекциялари ташкил қилади [6].

ЖССТ маълумотларига кўра охириги йилларда ўткир ичак инфекцияси билан касалланганлар сони 80 миллиондан ошган ва 700 мингга яқин ўлим билан тугалланган [7].

Ўткир ичак инфекциясининг (ЎИИ) асосий қисмини шартли патоген бактериялар (ШПБ) келтириб чиқаради [8]. Вирусли диареяларнинг асосий қисмининг этиологик сабаби бўлиб ротавируслар ҳисобланади [9]. Ўткир ичак инфекцияси кўпинча гастрит, колит, гастроэнтерит, энтероколит белгилари билан кечади [10].

Тадқиқотнинг мақсади: Самарқанд вилояти аҳолиси орасида болаларда ривожланган диарея билан касалланган болаларнинг эпидемиологик ҳолатини.

Текшириш материаллари: Самарқанд Вилояти Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлигини сақлаш (ВСЭО ва ЖСС) бошқармасида ўткир



ичак инфекцияси билан касалланган болаларнинг статистик маълумотлари асосида ўрганилди (2021-2022 йиллар).

Тадқиқот натижаси ва муҳокамаси: 2022 йилда болаларнинг ўткир ичак инфекциялари билан касалланиши сони 2021 йилга нисбатан 1,6 мартага ошиши кузатилди (2021 йилда 4853 та ҳолат қайд қилинган, 2022 йилда эса 8202 ҳолат кузатилган), касалланишнинг ҳар 100 минг аҳолига нисбатан интенсив кўрсаткичи 201,9 ни ташкил этди (2021 йилда бу кўрсаткич 121,9 га эга бўлган). Олинган маълумотлар таҳлил қилинганда Самарқанд шаҳри аҳолиси орасида касалланиш кўрсаткичи 496,5, Самарқанд тумани аҳолисида 378,6, Ургут тумани аҳолисида эса 208,0 ни ташкил қилганлигини ва касалланиш вилоят кўрсаткичидан юқори эканлиги аниқланди.

Вилоят туман ва шаҳарлари кесимида касалликнинг 2021 ва 2022 йилларда учраш даражаси ўрганилганда Самарқанд шаҳрида 1633/3151 (мос равишда интенсив кўрсаткич 271,3/793,5), Каттақўрғон шаҳрида 43/9 (мос равишда интенсив кўрсаткич 51,1/106,4), Самарқанд туманида 189/1025 (мос равишда интенсив кўрсаткич 70,3/378,6,4), Ургут туманида 491/062(мос равишда интенсив кўрсаткич 96,5/208,0)ни ташкил этган. Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики болалар орасида ўткир ичак инфекцияси билан касалланишлар сони ошиб бормоқда.

Ўткир ичак инфекцияси билан касалланган болаларда касалликнинг этиологик ҳолати вилоят миқёсида ўрганилганда: Сальмонеллез билан касалланиш 2021 йилда вилоятда 2 нафар болада қайд этилган бўлса, 2022 йилда 4 та ҳолатда аниқланган ҳамда интенсив кўрсаткич ҳар юз минг аҳоли сонига нисбатан 0,1ни ташкил этган.

Аксинча бактериял ичбуруғ билан касалланиш 54,7% га камайган (2021 йилда 53 та ҳолатда аниқланган ва интенсив кўрсаткич ҳар юз минг аҳоли сонига нисбатан 1,3 ни, 2022 йилда 29 ҳолат қайд этилган ва мос равишда интенсив кўрсаткич ҳар юз минг аҳоли сонига нисбатан 0,7 ни ташкил этган). Вилоятда аниқланган жами ўткир юқумли ичак касалликлари этиологик омилига нисбатан ичбуруғ касаллигининг солиштира оғирлиги 0,4 % ни ташкил этган.

Касалликнинг учраш даражасини ҳар юз минг аҳоли сонига нисбатан интенсив кўрсаткич ҳолати вилоят миқёсида 0,7 ни ташкил қилди ва ҳудудлар орасида қиёсий таҳлили ўтказилганда, Нуробод туманида 5,9, Нарпай туманида 2,9, Каттақўрғон шаҳрида 2,4, Тойлоқ туманида 1,9, Самарқанд шаҳрида 0,7, Пайариқ туманида 0,4, Пастдарғом туманида 0,3 ва Пахтачи туманида 0,6ни ташкил этганлигини кузатдик.

Касалликнинг болалар ёшига нисбатан тақсимооти таҳлили шуни кўрсатдики, умумий қайд этилган ўткир ичак касалликлари 1 ёшгача бўлган болалар ўртасида 14,3 %ни (энг кам кўрсаткич Пахтачи туманида 1,8 %), 2 ёшгача бўлган болаларда 51,8% ни (энг кам кўрсаткич Каттақўрғон шаҳрида 18,3%) ташкил этган.

Самарқанд вилояти шаҳар ва туманларида 2022 йилда 280 дан ортиқ тиббий пунктлар фаолият кўрсатиб, ушбу пунктлар орқали 7474 нафар бемор (2021 йилда 4795 нафар) аниқланган ва вилоят бўйича ўртача 1 та тиббий пунктдан 26,7 нафар бемор кўриқдан ўтган. Ҳудудлар кесимида эса Каттақўрғон туманида ўртача 2,6, Пайариқ туманида ўртача 2,6, Жомбой туманида ўртача 3,3, Нарпай туманида ўртача



3,8, Қўшрабод туманида ўртача 6,2, Нуробод туманида ўртача 7,3 бемор мурожат қилганлиги аниқланди.

Хулоса: Олинган натижалардан хулоса қилиш мумкинки ўткир ичак инфекцияси билан касалланиш болалар орасида ўтган йилга нисбатан 1,6 баробар ошганлигини кўрсатади. Бу ўз навбатида ўткир ичак касалликларини аниқлаш ва тегишли чоратадбирларни ўтказиш паст даражада эканлигидан далолат беради. 2022 йилда ўткир ичак касалликлари касалланиш кўпгина туманларда кескин ўсишига қарамасдан Нуробод, Пахтачи ва Ургут туманларида беморлар билан мулоқатда бўлганларда бактериологик текширув ўтказилмаган.

Болалар орасида ич терлама, паратиф, ичбуруғ, сальмонеллэз касалликларни ташхисоти учун туманларнинг баъзи чекка худудларида бактериологик текширувларни ўтказиш ва уларни даволаш учун мутахасислар билан етарлича таъминланмаган. Шу сабабли ўткир ичак касалликлари билан касалланган болаларга нотўғри ташхис билан соматик бўлимларда даволанган.

References:

1. Shaykulov X. S., Boboqandova M. F. ICHAK O 'TKIR YUQUMLI KASALLIKLARI BILAN KASALLANGAN BOLALARDA SHARTLI PATOGEN ENTEROBAKTERIYALARNING UCHRASHI //GOLDEN BRAIN. – 2023. – Т. 1. – №. 4. – С. 25-33.
2. Ismoilov, Ortik Ismoilovich, Murodkosimov, Saidkosim Murodkosimovich, Kamalova, Malika Ilkhomovna ANATOMO PHYSIOLOGICAL CHARACTERISTICS OF THE DIGESTIVE SYSTEM IN CHILDREN (LITERATURE REVIEW) // ORIENSS. 2021. №7. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/anatomo-physiological-characteristics-of-the-digestive-system-in-children-literature-review> (дата обращения: 20.04.2023).
3. Сайдолим, М., Эгамбердиевич, М.А., и Токсироич, М.Т. (2023). Эпидемиологическая оценка распространенности ОИГ-инфекции среди прокаженных групп населения Самаркандской области. *Центральноазиатский журнал медицины и естествознания*, 4 (2), 115-119. <https://doi.org/10.17605/OSF.IO/C5HFU>
4. Odilova G. BOLALARDA DIAREYANI KELTIRIB CHIQARUVCHI ICHAK TAYOQCHASINING XUSUSIYATLARI //Eurasian Journal of Medical and Natural Sciences. – 2023. – Т. 3. – №. 1. – С. 147-151.
5. Одилова Г. М., Рустамова Ш. А., Муротова З. Т. Клинико-лабораторные особенности течения кишечных инфекций сальмонеллэзной этиологии у детей //Педиатр. – 2017. – Т. 8. – №. 5.
6. Мухамедов И. М., Юсупов М. И., Шайкулов Х. Ш. ДИФФЕРЕНЦИАЛЬНЫЙ ДИАГНОЗ ЭНТЕРОКОЛИТОВ У ДЕТЕЙ //Innova. – 2022. – №. 2 (27). – С. 35-39.
7. Daminov T. O. et al. Improving the effectiveness of therapy for rotavirus gastroenteritis in children //Medical journal of Uzbekistan. – 2014. – №. 2. – С. 6.
8. Kamalova M. I., Ismoilov O. I., Murodkosimov S. M. SONOGRAPHIC EXAMINATION OF CONGENITAL AND ACQUIRED DISEASES OF THE CHEST IN PAEDIATRICS //Frontline Medical Sciences and Pharmaceutical Journal. – 2022. – Т. 2. – №. 02. – С. 10-16.
9. Kamalova M. et al. ORAL MUCOSAL STRUCTURE AT DIFFERENT AGES IN CHILDREN //Збірник наукових праць SCIENTIA. – 2021.



10. Saydolim M., Tahirovich M. T. Problems in the Nutrition of Medical University Students
//Eurasian Medical Research Periodical. – 2023. – T. 17. – C. 115-117.